

ЖАЗОИР ВА ХИТОЙ: ЎЗГАРУВЧАН ДУНЁДАГИ МУСТАҲКАМ АЛОҚАЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-26-692-698>

Арипов Шавкат

*Тошкент давлат шарқишунослик университети
Арабишунослик олий мактаби доценти*

Annotation: this article talks about the strengthening of historical and diplomatic relations between the people's Republic of China and the people's Democratic Republic of Algeria and the transformation into economic, social and cultural cooperation, the content of the documents signed between the countries during the historical visit of the president of Algeria to Beijing.

Annotasiya: Ushbu maqola Xitoy Xalq Respublikasi va Jazoir Xalq Demokratik Respublikasi o'rtasidagi tarixiy va diplomatik aloqalar mustahkamlanib, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy hamkorlikka aylanganligi, Jazoir Prezidentining Pekinga amalga oshirgan tarixiy tashrifi davomida mamlakatlar o'rtasida imzolangan xujjatlar mazmuni haqida so'z yuritiladi.

Tayanch so'zlar: diplomatik aloqalar, suverenitet va hududiy yaxlitlik, mojaro, strategik sheriklik va hamkorlik, Xalqaro valyuta fondi, Jahon banki

Key words: diplomatic relations, sovereignty and territorial integrity, conflict, strategic partnership and cooperation, International Monetary Fund, World Bank

Жазоир ва Хитой ўртасидаги дўстлик алоқалари аслида узоқ вақтдан бери мавжуд. У фақат тижорат манфаатларига эмас, балки Хитой-Жазоир дўстлигининг мустаҳкам пойдеворини ташкил этувчи мустамлакачилик ва инсоний эксплуатацияга қарши кураш ва қаршилиқнинг умумий фалсафасига асосланган, десак тўғри бўлади. Ушбу ажойиб муносабатлар йиллар давомида янада мустаҳкамланди. Бу ва амалга оширилаётган лойиҳалар икки давлат ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Хитой ва Жазоир ўртасидаги муносабатлар тарихий ва дипломатик алоқалар билан мустаҳкамланиб, савдо ҳамкорлигига, шунингдек, ижтимоий-маданий йўналишга айланиб боргани эътиборлидир [Бабкин 2019: 20].

Хитой-Жазоир муносабатларига дастлабки асосга икки воқеа сабаб бўлди: **биринчиси**, 1955 йил охирида Индонезиянинг Бандунг шаҳрида бўлиб ўтган Афро-Осиё конференциясидаги икки миллат вакиллариининг учрашуви бўлса, **иккинчиси**, Хитой Халқ Республикасининг Жазоир Муваққат

Хукумати билан 1958 йил декабрида (ҳали Жазоир тўлиқ мустақилликка эришмаган вақтда) ўзаро муносабатларнинг ўрнатилиши бўлган. Бандунгда Хитой ўзининг хорижий мамлакатлар билан тинч-тотув яшашнинг қуйидаги беш тамойилини баён қилди, улар ўшандан бери қайта-қайта тасдиқланган: суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ўзаро ҳурмат қилиш, ўзаро тажовуз қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч ҳамкорликда яшаш. Булар Жазоир тамойилларига ҳам мос келарди [Бабкин 2019: 21].

Мустақилликка эришгач, Жазоир Халқ Демократик Республикаси иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ривожлана бориб, Шимолий Африкада етакчи давлатлар қаторидан жой олишга интила борди. Аммо ўтган асрнинг 80-йилларида Республика кўплаб ички муаммоларга дуч келиб, аста-секин заифлаша бошлади. Айниқса, 1990-йиллар фуқаролар урушининг “қора ўн йиллиги” деб номланган даври мамлакатни инқирозга олиб келди. Можаронинг тугаши ва миллий ярашув бошланганидан кейин Жазоир ташқи сиёсатдаги юқори мақсадларини намоеън эта бошлади ва минтақавий майдонда янада муҳим рол ўйнади. Аммо “араб баҳори” нинг тўлқини Жазоир ташқи сиёсати фаоллигига янги зарба бўлиб, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирозни янада чўзилиб кетишига сабаб бўлди [Василенко 2019: 18].

2019 йилда собиқ Президент Абделаизз Бутефлика ҳокимиятдан четлатилиб, Абдел-Маджид Теббун Президент этиб сайланганидан сўнг, Жазоирнинг янги раҳбарияти мамлакатда янги таҳдидларга қарши туриш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш учун ташқи сиёсий фаолиятни ўзгартиришдек улкан мақсадни қўйди [Василенко 2019: 20].

Жазоир раҳбарияти ўзининг янгиланган ташқи сиёсати доирасида буюк давлатлар билан муносабатларга жиддий эътиборини қаратади. Шу билан бирга, Жазоир ўзининг яқин атрофидаги қўшнилари - араб ва Африка далавлари билан яқдилликдаги йўналишларида фаоллик кўрсата бошлади.

Совуқ уруш даврида Россия билан бўлгани каби, Жазоирнинг Хитой билан ҳам алоқалари ривожлана бошлади. Хитой 1958 йилда Жазоир Республикасининг Муваққат ҳукуматини тан олган биринчи араб бўлмаган давлат бўлганди. Ўз навбатида, 1971 йилда, Жазоир Хитойнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги доимий ўрнини қўллаб-қувватлади. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Хитой билан алоқаларни ривожлантириш Жазоирнинг жануб ва жануб муносабатларини ривожлантириш стратегиясига мос келади [Завалина 2024: 20]. Жазоир ўзининг қўшилмаслик мафкураси билан Хитойнинг бошқа ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро ҳурмат ва (Ғарб давлатларидан фарқли равишда) тенг ҳуқуқли шериклик таклифига

асосланган муносабатларни ўрнатишга бўлган ёндашувини юқори баҳолайди. Шуниси эътиборга лойиқки, Хитой Африка давлатларининг мустамлакачиликка қарши курашларини фаол қўллаб-қувватлаб келган.

Ҳозирда Жазоирнинг Хитой билан муносабатларида прагматизм ётади. 2006 йилда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди. 2014 йилдан бошлаб мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар "ҳар томонлама стратегик шериклик" сифатида тавсифланади, Жазоир бу мақомга эришган ягона Шимолий Африка давлатидир. Жазоирнинг Хитойга бўлган қизиқиши унинг дунёда иккинчи ўринда турадиган иқтисодиёти, йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга эканлигига асосланади [Завалина 2024: 21].

2018 йилдан бери Жазоир Хитойнинг “Бир камар ва бир йўл” ташаббуси иштирокчиси бўлиб, унда 3,3 миллиард долларлик чуқур сув порти қурилиши лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилади. Ниҳоят, Хитой Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкдан кўра Жазоир учун афзалроқ кредитор ҳисобланади, чунки Пекин сиёсий ёки иқтисодий шартларни қўймайди. 2022-йил ноябрь ойида иқтисодиёт, савдо, энергетика, қишлоқ хўжалиги, фан-техника, космик тадқиқотлар, соғлиқни сақлаш ва гуманитар ҳамкорлик каби барча соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришни назарда тутувчи 2022–2026 йилларга мўлжалланган кенг қамровли стратегик ҳамкорликнинг иккинчи беш йиллик режаси имзоланиб, жадал суръатда амалга оширилмоқда. Хитой Халқ Республикаси Жазоирнинг асосий савдо шериги сифатида Франциядан ўзиб кетди, гарчи Жазоирнинг умумий ташқи савдосининг ярмидан кўпи ҳали ҳам Европа давлатлари билан бирга эди. Ўз навбатида, 2018 йил якунига кўра Жазоир Хитойнинг Африкадаги энг йирик савдо ҳамкорлари орасида бешинчи ўринни эгаллади, савдо айланмаси 9,1 миллиард долларга етди. Ҳатто 2020 йил “Covid” йилида ҳам Хитойнинг Жазоир импортидаги улуши 17% ни ташкил этган эди.

Икки томонлама алоқада Хитой компаниялари қатор стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларда етакчи рол ўйнамоқдалар. Африканинг энг катта чуқур сув портига қўшимча равишда улар Жазоир ва Нигерияни боғлайдиган Транс-Сахара магистралини қурдилар. Хитой фосфат қазиб олиш ва қайта ишлашга 7 миллиард долларгача ва темир рудасини ишлаб чиқаришга тахминан 2 миллиард доллар сармоя киритмоқчи. Икки мамлакатнинг етакчи кончилик компаниялари Сонатрак ва Синопес ўртасида ҳамкорлик ривожланмоқда. Ниҳоят, Хитой компаниялари Жазоирдаги электроника ва маиший техника заводини очмоқда. Хитой қўмагида янги Жазоир аэропорти қурилиши 2019-йилда якунланди. Хитой компаниялари ҳам Жазоир марказий порти ва йирик

минтақавий марказга айланган ал-Ҳамдания порти қурилишида иштирок этди.

Икки давлат ўртасидаги стратегик яқинлашувга Хитойнинг ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳамкор сифатида пайдо бўлиши ёрдам бермоқда. 2012 йилдан 2016 йилгача Хитой Жазоирнинг қурул импортининг тахминан 15 фоизини ташкил қилган [Кравцов 2021: 15].

Жазоир ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик умумий сиёсий манфаатлар натижаси сифатида баҳоланмоқда. Жазоир Африка қитъасида ўз таъсиридан мохирона фойдаланади ва Африка Иттифоқида Хитойнинг манфаатларини кучайтиришга ҳаракат қилади. Жазоир ҳам, Хитой ҳам Саҳелда барқарорликни сақлашдан манфаатдор. Жазоир учун бу миллий хавфсизлик масаласи бўлса, Хитой учун эса Нигер, Чад, Мавритания, Мали ва Буркина-Фасодаги сармояларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласидир [Кравцов 2021: 20].

Хитой-Жазоир ҳамкорлиги ва шериклиги савдо, ҳарбий, энергетика, инфратузилма ва технология каби кўплаб соҳаларни қамраб олди.

Хитойнинг Жазоирга нисбатан сиёсати янада ранг-баранг ва глобал қудратнинг хилма-хил императивларини акс эттиради, у Жазоирни умумий тарихий алоқаларга эга ишончли ҳамкор сифатида кўради.

Иқтисодий нуқтаи назардан, Жазоирда кўплаб давлат ва хусусий хитой фирмаларининг мавжудлиги юкларни Европага транспорт харажатларини камайтириш ва транзит вақтини қисқартиришни осонлаштириши мумкин. Жазоирдан 80 километр ғарбда жойлашган ал-Ҳамдания шаҳрида режалаштирилган мегапорт қурилиши ва Жазоир, Чад, Мали, Нигер, Нигерия ва Тунисни кесиб ўтувчи Жазоирдан Лагосгача бўлган Транс-Сахара магистралининг қурилиши мега лойиҳалардан бири бўлди. Пекин Жазоирни Африкадаги асосий иқтисодий ҳамкор сифатида кўради ва кўпинча Жазоир билан муносабатларини "давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорликнинг жануб-жануб модели" сифатида таърифлайди. 2006 йилда Хитой ва Жазоир Стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларацияни имзоладилар, у 2014 йилда Стратегик шериклик ва ҳамкорлик даражасига кўтарилди. Бу Пекиннинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлати билан биринчи стратегик ҳамкорлиги ва Пекиннинг халқаро муносабатлардаги мавқеини намоён этиш учун танланган давлатлар билан ҳамкорликнинг энг юқори шакли эди. Европа Парламенти 2019-йил 28-ноябрда Жазоир ички ишларига аралашмоқчи бўлганида Пекин жиддий қаршилик кўрсатади. Хитой Ташқи ишлар вазири Ван И таъкидлаганидек, "Хитой куч сиёсати ва қийинчиликларга қатъий қарши туради, мустақил суверенитет мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик меъёрларини қатъий ҳимоя қилади, гегемонлик ва ҳокимият

сиёсатига қарши туриш учун ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Жазоир билан янада яқинроқ бирлашади" [Руденко 2021: 20].

Умуман олганда, Хитойнинг Жазоир билан иқтисодий ҳамкорлиги ушбу мамлакатларнинг асосий тармоқларига, жумладан, энергетика ва кимё саноати, логистика ва кўчмас мулк соҳаларига сармоя киритишнинг барқарор тенденциясини кўрсатди. Ушбу сармоялар нафақат Шимолий Африканинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади, балки Хитойнинг қитъанинг асосий геоиқтисодий ўйинчиларидан бири сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди [Руденко 2021: 22].

Жазоир Президенти Теббуннинг Пекинга тарихий ташрифи Жазоирдаги муҳим сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни тасдиқлайди. Бу ўзаро боғлиқ бўлган бир қанча омилларга асосланган сиёсий йўналишни акс эттиради.

Эҳтимол, бу омилларнинг энг муҳимларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, турли соҳаларга Хитой сармоясини жалб қилиш. Жазоир Хитой сармоясини нафақат энергетика соҳасига, балки тоғ-кон саноати ва ишлаб чиқаришга ҳам жалб қилишга интиломоқда.

Иккинчидан, ҳар томонлама стратегик шериклик тўғрисидаги битимни янгилаш. Жазоир ва Хитой “Асосий соҳаларда ҳамкорлик режаси”, шунингдек, “Икки томонлама стратегик шериклик бўйича беш йиллик режа” (2022–2026йй.) каби бир қатор шартномалар билан боғланган.

Учинчидан, Жазоирнинг БРИКС гуруҳига қўшилишга интилиши.

Тўртинчидан, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни фаоллаштириш.

Бешинчидан эса “Бир камар, бир йўл” ташаббусини амалга ошириш режасини фаоллаштириш. Жазоир 2018 йилда “Бир камар, бир йўл” ташаббусига қўшилган.

Ҳозирда Жазоирда инвестиция, савдо ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўнлаб йирик Хитой компаниялари фаолият юритмоқда. Уларнинг фаолияти йўл қурилиши, уй-жой қурилиши, телекоммуникация, энергетика, ирригация ва транспорт каби турли соҳаларни қамраб олади. Хитой иштирокида қурилган меҳмонхона Жазоирнинг замонавий пойтахти рамзига айланди. Жазоирнинг шарқий ва ғарбий қисмини боғловчи автомобил йўллари Жазоир учун асосий транспорт артерияси ва Шимолий Африка мамлакатлари учун стратегик чорраҳа ҳисобланади. Бошқа йўналишларда Хитой оммавий ахборот воситалари Жазоир ва унга бўлган муносабатлар ҳақидаги хабарларни нашр этишга, ўқувчиларнинг ушбу муносабатлар ҳақида керакли маълумотларни осонгина олишларини таъминлашга қаратилган [Соловьева 2020: 20].

Жазоир Президентининг 2023-йил июль ойида Хитойга расмий ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган, темир йўл транспорти, технология трансфери, қишлоқ хўжалиги кооперацияси ва коммуникациялари, шунингдек, спорт, инвестиция ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик, шунингдек, шаҳарсозлик, илмий тадқиқотлар, адлия, ижтимоий ривожланиш, қайта тикланадиган энергия, водород энергетикаси ва бошқа соҳаларда меморандумлар имзоланди. Ўтган ўн йилликларда Хитой тиббий гуруҳлар, бугдой жиҳозлари, мактаб жиҳозлари ва 50 миллион долларлик паст фоизли кредитни ўз ичига олган моддий ёрдам кўрсатди. 2020-йил март ойида COVID-19 пандемияси бошланганда, Хитой Жазоирга жуда зарур тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, респираторлар, тиббий химоя кийимлари ва скрининг тўпламларини юборди. Июль ойида Хитойнинг қурилиш компанияси расман Жазоирнинг ишчилар шаҳарчасида Маданият ва кўнгилочар сарой қуриш лойиҳасини ишга туширди [Соловьева 2020: 20].

Ҳозирги даврда Жазоирда 1000 га яқин хитойлик трансмиллий компаниялар, жумладан, инфратузилма, қурилиш ва пудратчилик, телекоммуникация, энергетика ва тоғ-кон саноати, темир йўл ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Жазоирда 10 000 дан ортиқ хитойлик фуқаролар бутун мамлакат бўйлаб иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритиб келмоқда.

Жазоир ва Хитой умумий манфаатларга эга бўлган масалалар бўйича ҳам ўхшаш қараш ва позицияга эга. Икки давлат ҳам яқин алоқаларни давом эттириб, минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради. Икки давлатнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммолар, биринчи навбатда, Фаластин масаласи бўйича қарашлари ўхшаш.

Иккала томон ҳам Фаластин масаласини адолатли ва кенг қамровли ҳал этилиши ва Яқин Шарқда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга янада катта ҳисса қўшишга умид қилмоқда [Абдул-Қодир Халил 2023: 18].

Охир оқибат, Жазоир-Хитой муносабатлари стратегик ва барча стандартлар бўйича энг кучлиси бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Жазоир Президенти Абдулмажид Теббуннинг Хитойга ташрифи ва унинг ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви, шунингдек, юқори мартабали ҳукумат вакиллари, шунингдек, Шенчжен шаҳрида Huawei компанияси вакиллари билан учрашувлари яқин келажакда ўз самарасини бериб, ҳар икки давлат манфаатларига жавоб беради [Абдул-Қодир Халил 2023: 20].

Умуман олганда бу икки давлат ҳамкорлигининг моҳиятида бир ажойиб ўхшашлик бор. Бу ҳам бўлса, ҳукуматларнинг ҳар иккиси ҳам биринчи

навбатда ўз халқи фаровонлиги талабида халқаро алоқаларни йўлга қўйишидир. Бу эса ўз ўрнида мазкур ҳамкорлик фонида ушбу мамлакат фуқароларининг фаровон ҳаёт турмуш тарзи гаровига айланган.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Бабкин С. Э. Алжир: выстояла ли «система?»: К событиям 2019 г. М. : Институт востоковедения РАН, 2020.
2. Василенко А. И. Долгое эхо конфликта: память о «черном десятилетии» 1990-х годов в современной политической культуре Алжира // Вестник Московского университета. Серия 25: Международные отношения и мировая политика. 2019. Т. 11. № 2.
3. Завалина Е.И. Китай и арабские страны Северной Африки: формирование инвестиционного климата и перспективы многосторонних инициатив (на примере Египта и Алжира)// Экономика Бл.Востока, 2024. Т. 1. №2 С.27-35.
4. Кравцов К.С. Торгово-экономические отношения КНР с Алжиром, Марокко и Мавританией в XXI веке. Азия и Африка сегодня. 2021. № 10. С. 55-64. DOI: 10.31857/S032150750015293-4
5. Руденко Л.Н. Состояние и перспективы торгово-экономического сотрудничества алжира и марокко с китаем
6. Соловьева З. А. Глава 3 : Экономическая стратегия Алжира (2015—2020 гг.) // Арабский Восток в поиске оптимальных социально-экономических решений. М. : Институт востоковедения РАН, 2022.
7. عبد القادر خليل، الجزائر-الصين.. علاقات تاريخية ونظرة استشرافية لمستقبل مشرق وواعد، شبكة طريق الحرير الصيني الاخبارية، 27-07-2023